

ИНГЛИЗ ТИЛИДА ДАРАЖА СИНТАКСЕМАЛАРИНИНГ АЖРАТИШ УСУЛЛАРИ

Очилов Нигора Нормуродовна

ЖДПУ

Аннотация: *Мазкур мақолада инглиз тилида даража шакллари ясаида синтаксемаларининг ажратиш усуллари атрофлича урганиб чиқилади*

Калит сўзлар: *Киёслаш, синтаксема, даража синтаксема, аналитик шакл, компонент, семантик структура, синтактик хусусият.*

Аннотация: *В данной статье рассматриваются способы распределения синтаксиса в классе английского языка.*

Ключевые слова: *сравнения, синтаксис, синтаксис стипини, аналитическая форма, компонент, семантическая структура, синтаксический особенности.*

Annotation: *This article examines the ways in which syntax allocation is made in English language level.*

Key words: *Comparison, Cynthia, degree synthesis, analytical form, component, semantic structure, syntactic feature.*

Инглиз тилида *more* ва *less* унсурларининг сифат билан бирикиши кенг учрайдиган ҳолатдир. Кўпчилик муаллифлар ушбу турдаги бирикмаларни қиёсий даражанинг аналитик шакли сифатида талқин қилади Биз бу ерда ушбу бирикмаларнинг ҳеч қандай аналитик шакл табиатига эга эмаслигини яна бир қарра эслатмоқчимиз. Ушбу бирикманинг морфологик эмас, балки синтактик хусусиятга эгалигини уларнинг гап структурасида алоҳида компонентлар ўрнида қўлланишида кўринади. Ушбу эса *more* ёки *less* унсурларини гап таркибидан тушириб қолдириш имкони борлигида кўринади:

1) He could not make it true that this father was dead, and he gave up trying, for he was an honest boy, and felt that it was foolish to pretend to be more unhappy than he really was (L.Alcott. Under the Licals, p. 121). →... to pretend to be ... unhappy.

2) Her bare feet stuck out in a way that would have produced shrieks from a less well-trained infant (L.Alcott. Under the Licals, p. 14) → (He) would have produced shrieks from a ... well-trained infant.

Кўриниб турибдики, *more* ва *less* келтирилган мисолларда алоҳида мустакил гап компонент сифатида иштирок этади ва кейинги сифат воситасида ифодаланаётган бўлак билан тобе алоқада бирикади.

Ажратилган компонентлар гап семантик структурасида алоҳида ўринни эгаллаб, мазмун жиҳатидан компаратив синтаксемалар қаторига кирадилар.

Компаративлик ёки қиёслаш синтаксемаси кўшма гап таркибида *than* боғловчи воситасида бирикаётган эргаш гап мавжудлигида ўз исботини топади.⁶⁸ Ушбу синтаксема мазмуни даражага ишора қилиши ўз тасдиғини уни *very, so, rather, quite* каби равишлар билан ифодаланган бошқа даража синтаксемалар билан алмаштириш мумкинлигида исботланади:

3) You should be more careful (J. London. Martin Eden, p. 45) → You should be so careful;

4) Miss Celia only smiled more kindly than before (L.Alcott. Under the Lilass, p. 81) → Miss Celia only smiled very kindly than before.

Компаратив синтаксеманинг ушбу тури фақатгина *more* ва *less* луғавий бирликлари воситасида ифодаланадилар. Уларнинг бошқа синтактик муқобиллари учрамайди. Ушбу синтаксема гап структурасининг асосий унсурларидан эмас ва кўпинча тобе компонент ўрнини эгаллаб, турли гап бўлаклари билан бевосита муносабатда бўладилар. Бундай муносабат кўпроқ сифат билан ифодаланган компонент билан юзага келиши аниқ:

5) But, gentlemen, many engagements, more open, and sacred in the eyes of the law and religion, have been broken (Th.Dreiser. An American Tragedy, p. 189).

6) And as he could see for himself, more beautiful, more richly appareled than ever the other could have hoped to be (Th.Dreiser. An Amercian Tragedy, p. 73);

7) He was less confident on this score (American Plays, p. 24).

Ушбу синтаксема гап таркибидаги яна бир равиш билан бирикади:

8) He looked upon the case more calmly (E.Voynich. The Gadfly, p. 14);

9) He came into his study less carefully dressed than usually (E.Voynich. The Gadfly, p. 193).

Компаратив синтаксема сифатдош билан ифодаланган гап бўлакларига тобе ҳолда келиши мумкин:

10) The human face is more relealing than human behavior (W.Saroyan. Selected short Stories, p. 301);

⁶⁸ А.М.Мухин. Синтаксемивый анализ и проблема уровней языка.Л.: 1980.-с.179.

11) He found him far less encouraging (G.Gordon. Let the Day Perish, p. 85);

She became more and more worried (G.Gordon. Let the Day Perish, p. 27).

Биз тўплаган материалда айрим пайтларда компаратив синтаксеманинг предлог+от бирикмаси билан тобъе алоқасига киришиши ҳам кузатилди:

13) He knew he would feel nore at home than in his present place (L.Alcott. Under the Libacs, p. 162).

Демак *more va less* унсурлари воситасида ифодаланган компаратив синтаксеманинг сифат ва равиш билан бирикиши кўпроқ учрайди. Ушбу синтаксема от ёки феълдан кейинги ўринни эгаллаганда даража мазмуни кучсизланиши, ҳатто бутунлай йўқолиши муқаррар ҳолдир, чунки бундай синтактик ўринни эгаллаган *more* ва *less* бўлакларини даража маъносидаги бошқа синтаксемалар билан алмаштиришнинг имкони қарийб йўқолади:

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Филол. фан. докт дисс. автореферати. Тошкент, 1997- 34-бет.
2. Волков В.В. Категория количества у русских прилагательных // Идеографические аспекты русской грамматики. М.: МГУ, 1988. - С.12-18.
3. Аристова Е.Б. Методы меодлирования и экспаерименты в изучении агентивной синтаксемы // Анализ синтаксических единиц. Л., 18.
4. Воронцова Г.Н. Очерки по грамматике английского языка. М.1960. 1980. -С.21-26.
5. Полянский А.Н., Мера и и степени признака в русском языке // Научные доклады выс.шк. Филологические науки. 1984. №1-С.34-41.